



“GENDER TENGLIK MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH: OILAVIY QADRIYATLAR, TA'LIM SIYOSATI VA IJTIMOIIY ONG TRANSFORMATSIYASI”

mavzusida VI xalqaro konferensiya

The 6th International Conference on "ADVANCING THE
CULTURE OF GENDER EQUALITY: FAMILY VALUES,
EDUCATION POLICY, AND THE TRANSFORMATION OF
SOCIAL CONSCIOUSNESS"

MATERIALLAR TO'PLAMI



O'zbekiston Respublikasi
**OLIY MAJLISI
SENATI**



O'ZBEKISTON
GENDER
KOMISSIYASI



UN, WOMEN IN SCIENCE
22.12.2015



UNESCO
Tashkent



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN
VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi



Oila va xotin-qizlar
qo'mitasi



Milliy tiklanish
demokratik partiyasi
Markazi kengashi

TOSHKENT - 2026

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI**

**“GENDER TENGLIK MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH:
OILAVIY QADRIYATLAR, TA’LIM SIYOSATI VA IJTIMOY
ONG TRANSFORMATSIYASI”**

mavzusidagi VI xalqaro konferensiya

materiallari

The 6th International Conference on the topic

**“ADVANCING THE CULTURE OF GENDER EQUALITY:
FAMILY VALUES, EDUCATION POLICY, AND THE
TRANSFORMATION OF SOCIAL CONCIOUSNESS”**

11-fevral 2026-yil, Toshkent

BMT Bosh Assambleyasi rezolyutsiyasiga ko‘ra, 2016-yildan beri 11-fevral kunini “Xalqaro ilm-fan sohasidagi xotin-qizlar kuni” sifatida nishonlab kelinishi munosabati bilan, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, O‘zR Fanlar akademiyasi, O‘zbekiston xotin-qizlar qo‘mitasi, O‘zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi va Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti hamkorligida 2026-yil 11-fevral kuni tashkil etilgan **“Gender tenglik madaniyatini rivojlantirish: oilaviy qadriyatlar, ta’lim siyosati va ijtimoiy ong transformatsiyasi”** mavzusidagi xalqaro konferensiya materiallari. – T.: TDSHU, 2026, 744 b.

Mas’ul muharrir:

prof. G. Rixsiyeva.

Tahrir hay’ati:

psix.f.d., professor Abdullayeva Sh.X.,

psix.f.d., professor Jabborov X.X.,

p.f.n., dots. Mahkamova S.X.,

PhD., dots. v.b. Botirova D.,

PhD., katta o‘qit. Maxkamova L.M.,

PhD., katta o‘qit. Ibragimova X.S.,

katta o‘qit. Kamalova S.R.,

katta o‘qit. Xaydarova R.A.,

katta o‘qit. Baxtiyorov R.,

o‘qit. Murodilloyev N.B.

Muallif fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas’uldirlar.

ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДАДИР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-20-28-35>

Пулатова Малоҳат Рихсибаевна

*Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгаши котиби
91 166-85-07
maloxat16685@gmail.com*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Шарқ халқлари адабиёти тарихида арбаъин асарлар ёзиши анъана бўлганлиги ва бу анъананинг ўзига хослиги ёритиб берилган. Жумладан, арбаъин анъанаси, унинг жанр хусусиятлари, наср ва назмда яратилган арбаъинларнинг бадиияти унинг араб, форс-тожик, туркий халқлар орасида кенг тарқалганлиги арбаъин жанрининг адабий анъана даражасига кўтарилганлиги, унинг Қуръон ва ҳадислар билан узвий боғлиқлиги очиқ берилган.

Калит сўз: “Қуръон” оятлари, ҳадислар, арбаъин, “Арбаъин” – “Чихил ҳадис”, араб, форс, туркий тиллар, анъана, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий.

ABSTRACT

This article highlights the traditions of writing the Arbain's works in the history of Eastern literature and their features. In particular, the popularity of the Arbain's tradition, its genre features, prose and poetry among the Arab, Persian-Tajik and Turkic peoples, their elevation to the literary tradition, as well as its relationship with the Qur'an and Hadith are revealed.

Keywords: *The verses of the Qur'an, Hadith, Arbain, “Arbain” – “Chihil Hadith”, Arabic, Persian, Turkish languages, tradition, Jami, Navai, Fusuli.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещаются традиции написания произведений арбаъин в истории литературы народов Востока и их особенности. В данной статье освещаются традиции написания произведений “арбаъин” в истории восточной литературы и их особенности. В частности, раскрыты популярность традиции “арбаъин”, его жанровые особенности, проза и поэзия среди арабского, персидско-таджикского и тюркского народов, их возведение в литературную традицию, а также показана ее связь с Кораном и хадисами.

Ключевое слово: *Аяты Корана, хадисы, арбаъин, “Арбаъин” – “Чихил хадис”, арабский, персидский, турецкий языки, традиция, Абдурахман Жами, Алишер Наваи, Мухаммад Фузули.*

Жаҳон халқлари бир-бирларининг санъати, адабиёти, илм-фани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиши умуминсоний маънавий ҳамда маданий қадриятларнинг шаклланиши, инсониятнинг маънавий юксалишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётган бугунги кунда, барча соҳалар қатори илмий меросимизнинг таркибий қисми бўлган мумтоз адабиётимиз намояндаларининг диний, маънавий, бадий асарларини ўрганишда янги ёндашувлар жорий этилмоқда. Шарқ мумтоз адабиётида ўзига хос анъанага эга бўлган буюк алломаларимизнинг бадий-маърифий, диний меросига оид кўп асрлик арбаъин қўлёзма манбаларини жумладан, Жомий, Навоий ва Фузулий “Арбаъин” – “Чиҳил ҳадис” асарларини ўрганиш бугунги авлодларнинг таълим-тарбияси ва маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Ислом дини ўз тараққиёти ва бутун шарқ ҳудудига кенг ва чуқур кириб бориши натижасида ислом минтақа маданияти доирасидаги халқларнинг тафаккурини маънавий қадриятлар асосида бирлаштириб, моҳиятан барча мусулмон халқлари учун ягона бўлган яхлит маданиятни, хусусан яхлит фалсафа, илм фан, бадий адабиётни шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Ислом энциклопедиясида қайд этилишига кўра, “ислом дини дунё динларининг бири сифатида инсоният тамаддуни тарихида жуда катта роль ўйнади ҳамда ҳозиргача ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида дунё бўйлаб таъсир ўтказиб келмоқда. Шу боис ҳам, мусулмон давлатлари халқларининг маданий мероси ва мафкуравий-маънавий қадриятларига нисбатан қизиқиш кундан кун ортиб бормоқда” [7.Б.3].

Ислом динининг халқимиз тарихи, маданияти, урф-одатида тутган ўрнини холис баҳолаш мақсадида миллий ўзликни англаш ва аждодларимизнинг бой илмий-фалсафий ва маданий-маърифий меъросини қайта тиклаш борасида изчил давлат сиёсати олиб борилмоқда. Чунки, дин инсон мафкураси ва эътиқодида ўзига хос ўринга эга бўлиб, диний эътиқод одамлар учун зарур маънавий эҳтиёждир.

Дин инсонларнинг маънавий покланиши, ахлоқий тарбияси, инсоний комиллиги, ҳаёт зарбаларига қарши курашидаги таянчи, халқлар ва миллатлар маънавий бойлиги ва бой маданиятининг ажралмас бир бўлаги, инсон ижтимоий тараққиётининг узвий таркибий қисми ҳисобланган. Дин инсон маънавий шаклланишида унинг табиатида чуқур илдиз отган инсоний етуклик ва баркамоллик, инсонпарварлик меъёрларидан биридир.

Ислом дини арконларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш мақсади XII асрга келиб, мусулмон шарқ халқлари мумтоз адабиётида “Арбаъин” – “Чиҳил ҳадис” асар ёзиш, яъни қирқта ҳадисни бир ерга жамлаб, унинг маъносини авом халққа тушунтириб бериш, унга шарҳ ёзиш анъанага айланиб борди.

Қўлёзма манбаларда барча арбаъинларнинг келиб чиқишига сабаб қилиб қуйидаги ҳадис келтирилади: “Менинг умматимдан кимки дин амри билан қирқ ҳадисни ёд олса, охират кунида алломалар ва фақиҳлар жамоасидан ўрин олади”.

Шунга кўра, Шарқ мумтоз адабиётида мавжуд анъаналардан бири бу – муайян қирқта ҳадисга наср ёки назмда шарҳ ёзиш анъанасидир. Шарқ халқлари адабиёти тарихида Пуроний, Жомий, Навоий, Фузулий, Муҳаййир,

Маҳмудхон Маҳдум, Анвар Ҳожиаҳмедов, Шукур Қурбон кабиларнинг қирқ ҳадис шарҳига бағишланган шеърӣ “Арбаъин” асарлари кенг шуҳрат қозонган. Адабий анъана бадий асар мавзуси, ғояси, унинг тузилиши, жанр, вазн, сюжет, композицион қурилиш критерийларига доир мунтазам такрорланувчи хусусиятлар мажмуининг нормага айланиши, қонуният даражасида амал қила бошлаши негизида шаклланади. Арбаъин ҳам мумтоз адабиёт даврида, ҳам замонавий даврда анъана даражасида амал қилган адабий шакллардан биридир.

Арбаъин – муаллиф эстетик тасавури асосида ҳадисларнинг бадий талқинига бағишланган асар бўлиб, муаллиф ўз маҳорати орқали ҳадислар мазмуни ва моҳиятини қайта яратишга уринади.

“Арбаъин ҳадис”, “Чиҳил ҳадис”, “Қирқ ҳадис” номи билан машҳур бўлган ҳамда диний арконлар мазмунини тушунтиришга бағишланган асарлар кўпчилик шарқ халқлари шоирлари ижодидан ўрин олган.

Мана шундай вазифани бажарган, яъни адабий тарзда шундай солиҳ баҳоланувчи амални бажариб, мусулмон умматига ҳадислар мазмунини англаган инсон мавқеи эъзозланиб, унинг фаолиятига алоҳида эътибор ва ҳурмат билан қаралган, унинг мартабаси кўтарилган ва улуғланган.

Шарқ мумтоз адабиётида Қуръон ва ҳадисларнинг мазмун-моҳияти ижодкорларни қизиқтирган, улар муқаддас манбалардан илҳомланган, муқаддас манбаларда келтирилган ғоялар ва қарашлар ижодкорларни янги асарлар яратишга ундаган ва шу тариқа кейинчалик ижод вакилларининг ахлоқий-ғоялар акс этган махсус асарлари, яъни “Арбаъин”лар вужудга келган. Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари ва уларга битилган бадий шарҳлар шарқ адабиётида қадимдан мавжуд бўлиб, масалан, Адиб Аҳмад “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида жами 21 ҳадиснинг туркий тилдаги шеърӣ шарҳини келтирган [2.Б.71-104].

Биз тадқиқ қилаётган Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийларнинг “Арбаъин”лари ўрта асрлар шарқ мумтоз адабиётида ҳадисларнинг шеърӣ талқини сифатида хос ўрин эгаллаганлигини намоён этади. Уларда мазкур шеърӣ “Арбаъин”ларнинг асосчиси Абдурахмон Жомий деб келтирилади.

Жомий танлаган ҳадислари Қуръон оятлари билан муштарак маънода бўлиб, қисқа ва равонлиги, ўқувчининг ёдлаши ва тушунишига қулайлик келтиради.

Ҳадисларни шарҳлашда, унинг маъно-моҳиятини кенг оммага осонроқ етказишда адабиётнинг турли жанрларидан, чунончи, назмдан самарали фойдаланганлар. Мусулмон оламининг муқаддас китоби Қуръон ва унга асосланган ҳадис китоблари турли даврларда катта қизиқиш уйғотгани боис, уларнинг ахлоқий негизи бадий адабиётга сингдирилиб келинган. Уларнинг талқин ва шарҳлари классик адабиётда кенг ўрин тутди. Шу сабаб, ҳадисларнинг шеърӣ талқинлари ўша даврдаги арбаъин анъаналарига хос равишда мустақил асарларга айланди. Бу “Арбаъин”лар адабиётшуносликда

кўп маротаба тадқиқ қилинган бўлса-да, ҳар бир ҳадиснинг арабий, форсий ва туркий матнлари биргаликда таҳлил этилмаган.

Ҳадисларни шеърий шарҳини талқин этиш аслият тилини ва Қуръон оятларининг тафсирини мукамал билган кишилар томонидан амалга оширилган. Ҳадисларни тўғри шарҳлашда тафсир илмини билиш муҳим ҳисобланади. Бу эса ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шу боис биз ўз тадқиқотимизда ҳар бир ҳадисни қувватловчи оятларни ҳам (кўрсатиб) келтириб ўтдик.

“Арбаъин”даги ҳадислар ўзгармайди, қўлёмаларда аввал аслиятдаги араб тилидаги ҳадис келтирилиб, ундан кейин унинг шеърий-шарҳи қитъа шаклида талқин этилган.

Биринчи ҳадис:

النظر الى المرأة الا جنبيه سهم مسموم من سهام ابليس

(тарж.: Бегона аёлларга ташланган ҳар бир назар шайтоннинг заҳарли ўқларидан бир ўқдир).

Жомийда:

ديدن زلف و خال نامحرم
دانه كيد دام ابليس است
هر نظر نا و كيست زهر آلود
كه زشست كمان ابليس است

(яъни: Номаҳрамнинг зулфу холига қараш иблис тузоғидаги ҳийла донининг уруғидир. Ҳар бир назар шайтон камонининг отилажак заҳарли ўқидир)

Жомий ҳадис мазмунини 4 мисрада шундай берадики, араб тилидаги сўзлар кетма-кетлиги бузилмайди, биринчи жумладаги “номаҳрамга қараш” ифодаси қитъанинг 1 ва 2 мисраларида жуда чиройли шарҳланади, яъни аёлларнинг кўрки бўлган сочи ва холига қараш шайтон тузоғининг ҳийла уруғидир, - деб тамсил санъатидан моҳирона фойдаланилади ва ҳадисдаги биринчи жумлада англашиладиган маънонинг ёрқин бадиий тасвирига эришилади. Бунда ифодаланаётган аёл юзидаги “хол” иблиснинг ҳийла уруғи (дон) бўлса, унинг “зулфи” иблиснинг тузоғидир. Демак, зулф иблиснинг тузоғи бўлса, унга қўйилган дон – аёл зулфи ёнидаги дон холидир. Жомий бу икки мисра орқали ҳадис таъсирини оширади ва ўқувчи қалбига янада яқинроқ кириб боради. Сўнгра “ҳар назар шайтон камонининг заҳарли ўқидир”-дея, араб тилидаги матннинг иккинчи жумласи ҳеч қандай ўхшатишларсиз, назмий таржимада баён қилинади. Ҳадиснинг асл моҳияти ва таъсир кучи юқори савияда очиб берилади.

Навоийда:

Солма кўз, кимки бўлса номаҳрам,

Гарчи нафсинг назорада суд

Ки, назарким, ҳаром шайтоннинг

Новакедур валеқ захролуд.

(яъни, номаҳрамга назар солмагин, бундан нафсинг фойда кўрса ҳам, бу назар шайтон камонининг заҳарли ўқидир)

Навоий Жомий талқинидаги услубини такрорлайди, бироқ, биринчи байтни ўзгача талқин қилади ва “номаҳрам аёлларга қарашдан кўнгили нафсинг баҳра олса ҳам, уларга қарама”,–дея, “нафс” ва “суд” сўзларини қўллаган ҳолда қитъанинг 1, 2- мисраларидаги бадий ифода Жомий талқинидан фарқ қилишига эришади. Охириги икки мисра эса, Жомий талқинидаги сўнги байтни такрорлайди.

Фузулийда:

Ачма көз мөһрәм олмајан јузунө

Ки, бу севдадөһасил олмаз суд.

Бил ки, иблисин охларындандыр

Һәр нәзәр бир хәдәнки-зөһралуд.

(яъни, номаҳрам юзига боқмагинки, бу савдодан фойда бўлмас. Билгинки, ҳар бир назар иблис камонининг заҳарли ўқидир)

Фузулий ҳадисни шарҳлашда Жомий ва Навоий талқинидан унумли фойдалангани яққол кўзга ташланади. Фузулий ҳам Жомий йўлидан бориб, араб тилидаги матн кетма-кетлигини сақлайди, бироқ, ҳадиснинг бадий талқинини ўзгача ифода этади. Фузулий ҳам “суд” сўзини қўллайди, аммо, Навоийдан фарқли равишда “бу севдадө һасил олмаз суд”-дея, суд сўзининг инкор шаклини беради ва бунда, “сенга маҳрам бўлмаган, бегона аёлларга кўз ташлама,бу савдо (1. кучли эҳтирос, берилиш, ишқ, шайдолик; 2. истак, ҳавас, орзу)дан фойда бўлмас”, – деган чуқур маъно англашилади. Натижада, Фузулий ҳадис мазмунини 1 ва 2-мисраларда кенгроқ очиб беришга эришади. Араб тилидаги матннинг кейинги жумлалари мазмуни қитъанинг сўнги байтларида келтирилади. Демак, Фузулийбу шеърий таржима-шарҳида Жомий ва Навоий талқинидаги сўнги мисраларни такрорлайди ҳалос.

Бир ҳадиснинг уч шоир томонидан амалга оширилган шеърий шарҳлар таржимаси уч тилда ўзига хос оҳангда жаранглаган. Асл матнда,яъни ҳадисда келтирилган “иблис” сўзи Жомий ва Фузулий таржима шарҳида ҳам “иблис” деб берилган, Навоий эса, “шайтон” сўзини беради. “Иблис” ҳам, “шайтон” ҳам арабий сўз бўлиб, луғавий маъно жиҳатдан бироз фарқ қилади [3.Б.22; 7.Б.265-266]. Ҳадисдаги “المرأة الا جنبيه” иборасини Жомий ва Навоий ўз талқинларида “номаҳрам”, Фузулий “маҳрам бўлмаган” деб, берадилар. Бунда миллий тил хусусиятлари ўз аксини топган. Бу ҳадис талқинида Навоий умумийликка эътибор қаратган бўлса, Жомий бадий тимсоллар ёрдамида талқинни жонлантирган, Фузулий талқинни кенг маънода берган.

Юқоридаги ҳадисда баён этилаётган маънони чуқурроқ англаш учун Қуръоннинг Нур сураси, 30-оятини мазмунини билишимиз керак. Унда “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар”, – дейилади.

Кейинги ҳадис:

الجنة تحت اقدام الامهات

(тарж.: Жаннат оналар оёғи остидадир).

Бу машхур ҳадисни Жомий шундай талқин қилади:

سر ز مادر مکش که تاج شرف
کرد از راه مادران باشد
خاک شو زیربای او که بهشت
در قدم های مادران باشد

яъни, онага безътибор бўлма, шон-шараф тожи онанинг оёғи гардидадир, унинг оёғи остидаги туфроқ бўлгинки, жаннат оналар қадами остидадир.

Жомий ҳадис мазмунини жуда гўзал тарзда ифодалайди. Қитъанинг биринчи байти фарзандга насиҳат оҳангида бўлиб, “сен онангдан бош товлама чунки, сенинг шону-шарафинг, соғ-омонлигинг, камолинг онангнинг босган қадами изининг гардидандир дея, тазод санъатидан моҳирона фойдаланади. Байтда тож-гард, бош-оёқ каби қарама-қарши бўлган сўзларни қўллаб, таъсирчан бадий тимсолларни акс эттирган. Жомий 3-4-мисраларда биринчи байтдаги таъсирчангликни оширган ҳолда, онанг оёғи тагидаги туфроқ бўл, жаннат оналар оёғи остидадир – деб, ҳадиснинг шеърий таржимасини нозик иборалар орқали беради.

Навоийда:

Оналарнинг оёғи остидадур,
Равзайи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл анонинг оёғи туфроғи.

Навоий ҳадиснинг шеърий таржимасини 1-2-мисраларда беради. Бунда равзаи жаннат, жинон боғи каби арабий ва туркий иборалар орқали таъдил санъатини қўллаб, ҳадиснинг бадий ифодасини кучайтиради. 3-4- мисралар эса бир қарашда Жомий талқинининг таржимасидек туюлади, бироқ, Навоий жаннатнинг энг гўзал боғларидан бири –равза боғини истасанг онанинг оёғи остидаги туфроқ бўл, дейди.

Фузулийда:

Аналар ҳармәтин дутун ки, мудам
Габили-рәҳмәти-илаһ оласыз.
Истәк анлар ајағи алтында
Кәр диләрсиз ки, јәннәти буласыз.

яъни, Оналарнинг ҳурматини доим жойиги қўйинг, Аллоҳ раҳматига эришасиз. Жаннатий бўлишни истасангиз, бу истагингиз онанинг оёғи тагидадир.

Фузулий бу ҳадис маъносини жуда чиройли талқин қилади: оналарни ҳурмат қилаган Аллоҳ раҳматига муяссар бўлади-дея, Жомий ва Навоий талқинида қўлланган тимсоллардан фойдаланмайди, балки, “Аллоҳ раҳмати” ва “истак” каби ўзга тимсоллар орқали ҳадис мазмунини очиб беришга ҳаракат қилади. Қитъанинг сўнги икки мисраси Жомий ва Навоий талқинига ҳамоҳангдир.

Жомий, Навоий ва Фузулий юқоридаги ҳадиснинг шеърӣ таржима шарҳларини ўз она тилларида талқин қилар эканлар, унда ифодаланган ахлоқий ғоянинг моҳиятини бадиий тимсоллар орқали жилолантириб, ҳадиснинг таъсир доирасини кенгайтира олганлар.

Бу ҳадиснинг таъсири ислом таълимотидаги аёл – она тимсолида ниҳоятда улуғланиши “Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) амр этдик...!” [13.Б.412] – деган, илоҳий ҳукм билан изоҳланади. Она ҳомиладорлик вақтидан, то фарзанд дунёга келгунга қадар бир қанча машаққатларни бошидан кечиради. Шу важдан Пайғамбаримиз (с.а.в.) юқоридаги ҳадислари орқали жаннатни оналар оёғи остига тўшаб кўядилар. Демак, Жомий бу ҳадисга бесабаб мурожаат этмаган. Мусулмон оламида оналарнинг ҳурмати фарз даражасига кўтарилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари ва уларнинг мазмун-моҳияти даврлар оша халқ эътибори марказида бўлиб келган. Шу сабаб, оят ва ҳадислар мазмуни асрлар давомида мусулмон халқларининг миллий адабиётига сингдириб келинди. Натижада, диний ва миллий таълимотлар уйғунлашиб, адабиётлар муштараклиги вужудга келди. Мусулмон халқлари адабиётининг бир-бирига узвий боғлиқлиги шарқ мумтоз адабиёти ривожига жуда катта хисса қўшган муштарак асарлар мисолида ўз ифодасини топади.

“Арбаъин” жанри бадиий услубининг юзага келганлиги бадиий тафаккур ва эстетик карашнинг шаклланиши ва ривожига катта таъсир кўрсатганлигини жумладан, арбаъинлар минтақа адабиётида дин арконлари билан бадиий тафаккур уйғунлигини вужудга келтирган тарихий-адабий воқелик сифатида ўзлигини намоён қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. ARAYANA Vol. XXIV, 1-2, Jan-Feb. Kabul. P. 1996.
2. Адиб Аҳмад Югнакий. "Ҳибату-л-ҳақойиқ". Қосимжон Содиқов транскрипцияси, талқини ва таҳлилида. Т.: Академнашр, 2019. 71-104 б.
3. Х.К. Баранов Х.К. – ابليس - дьявол; شیطان – чёрт, сатана, дьявол, бес, демон. – С.22. Қаранг: Ислом энциклопедия. Т. 2004. –265-266 -б. 320 б.
4. Жабборов Н. Алишер Навоийнинг “Арбаъин” асарида маърифий мазмун ва бадиий шакл уйғунлиги // “Алишер Навоий ва XXI аср”: республика амалий-назарий анжуман материаллари, Т.: 2019. 556 б.
5. Имом Муҳиддин Закарий ибн Шараф Нававиё. Қирқ ҳадис. – Тошкент: “Моварауннаҳр”, 2005. –116 б.
6. Имом Ғаззолий. Қирқ ҳадиси Қудсий. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008. – 44 б.
7. Ислам энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. 320 с.
8. Мәһәммәд Фузули эсәрләри. II-чилд.– Баку. 1958.
9. Мирзаев А. “Жомий, Навоий, Фузулий яратган 40 ҳадис”.- Баку: “Озан”, 1997. 90 б.

10. Наджафов А. Подарок к сорокалетию (Опыт исследования поэтического толкования хадисов Джами и Навои) // Звезда Востока, 2003. - №2.
11. Рустамов Алибек. Шарҳ ва изоҳлар. – Алишер Навоий. Арбаъин. – Тошкент, Мерос, 1991, 32 б.
12. Каюмов А., Хасанов Б. Жемчужины мудрости и тайны «Семи морей». Т.: Абдулла Кадыри, 2002. – 108 б.
13. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Б. 412 (624 б). “Луқмон” сураси. 14-оят.

CONTENT / СОДЕРЖАНИЕ / MUNDARIJA

Rixsiyeva G.Sh. // Kirish va tabrik so‘zi.....	3
I. GENDER TENGLIKNI TA’MINLASHNING NORMATIV-HUQUQIY ASOSLARI VA OILAVIY QADRIYATLAR BILAN UYG‘UNLIGI	
Shoumarov G‘.B. // O‘zbekistonda gender tenglik madaniyatini rivojlantirishning ijtimoiy-psixologik jihatlari.....	6
Каримова В.М. // Гендер социализация ва гендер тенглик муаммоларини тадқиқ этишининг методологик асослари.....	16
Султонова Э.С. // Гендер тенглик маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни.....	23
Пулатова М.Р. // Жаннат оналар оёғи остидадир.....	28
Ходжимуратова Д. // Санкциялар шароитида Эрондаги гендер масалалари.....	36
Ева Шевцова // Политика Республики Узбекистан в формирование культуры гендерного равенства.....	40
Ramazonova Sh.J., Khasanova Sh.S kizi. // Women as the foundation of future generations.....	45
Anvarova M., Annazarova T.D qizi. // Gender tenglik madaniyatini rivojlantirish: oilaviy qadriyatlar, ta’lim siyosati va ijtimoiy ong transformatsiyasi.....	51
Utamurodov A.A., Mamajonova Z.I qizi. // Mehnat faoliyatida xotin-qizlarning o‘rni va roli.....	54
Abdurayimov S.O o‘g‘li. // O‘zbekistonda oila siyosatining shakllanishi.....	58
Yarashev X.M. // Gender tenglik madaniyatining Eron tajribasida tarixiy shakllanishi: oilaviy qadriyatlar, ta’lim siyosati va ijtimoiy ong transformatsiyasi (1936–2022).....	62
Saydaliyeva N. // Globallashuv sharoitida qadriyatlar transformatsiyasi va gender tenglik muammosi.....	68
Xasanova Sh.S qizi. // Gender tenglikni ta’minlashning normativ-huquqiy asoslari va ularning oilaviy qadriyatlarga ta’siri.....	75
Jalolova Z.M. // “Hurriyat” va “Yangi O‘zbekiston” gazetalarining intervyularida gender tenglik va madaniyatni rivojlantirish, oilaviy qadriyatlar, ta’lim siyosati hamda ijtimoiy ong transformatsiyasi talqini.....	81
To‘xtasinova Sh.I. // Pokistonda 1977–2007 yillarda gender masalasi: davlat siyosati va ayollar harakatlari.....	86